

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ

(Боши 1-бетда).

лар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга, умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатида қўшилиш ҳақида ҳамда ўзининг бутун имконият ва кучларини бунга сафарбар қилишга тайёр эканини кўпроқ сўзда ва баландларвоз баёнотларда билдирмоқдалар. Амалда эса афсуски, бу ўта муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.

Очиқ айтадиган бўлсак, айрим сиёсатчилар ва давлат арбобларининг ташвиши бошқа масала ечими билан банд. Яъни, эртага Афғонистонда ҳокимият тепасига келадиган янги ҳукуматда қандай кучлар ва қайси давлатларнинг таъсири кўпроқ бўлади, деган саволлар ва ташвишлар билан овора.

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳидиона, муҳим террорчилик ҳужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, кўпорувчилик, бошқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аъёсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қол-

маслиги табиий.

Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъий назар, турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқро ҳамжамиятнинг қатъийлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмапти.

Қудратли давлатлар, ҳусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки «Толибон» ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади муҳим террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадини миллионлаб беғуно инсонларнинг бошига қулаётган солаётган террор балодини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан ўчириб ташлашдан иборат, деб тақрор-тақрор айтмоқда.

Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президентини томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланғич кураш афғон халқига, унинг манфаатига қарши эмаслигининг аққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, бугун барчани қизиқтираётган масала -

бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шуни айтишим керакки, терроризмнинг дахшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевоқифа ўз ҳаёти, ўз тақдирини солиштириб қўйди. Агар 11 сентябр воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг дахшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганимиз.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётдан орау-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалоқ бўлганини биз унуттишимиз мумкинми?

Анджон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўладими?

Ёки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли худудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг кўпорувчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча беғуно одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламизми?

Бу бошқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар туфайли бутун дунёда минг-минглаб ёш инсонларнинг умри қазон бўлаётганига берафқ қара бўладими? Биз, одатда, аҳолининг тинч-оқойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабиҳ кирдикорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам

ошкор этолмаймиз.

Лекин мен фатҳатгина бугун эмас, олдиндан ҳам - давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда балоқазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжари ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимиз, бу дахшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам тақрор-тақрор айтишни ўз бурчим деб биламан.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай ҳавфхатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларидан Сариосиёда қуролли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардормиз.

Бугун «Толибон» биқинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Қобулда, Қандгар ёки Жалолободда бўладими, ҳарбий лагерларда одамқушликни касб қилиб, Хайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний «Толибон» армиясининг кўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибиде Урта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани аңлатмайди?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-оқойишта ҳаётини издан чиқаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу муҳим кучларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида қўндалан бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қилайлик: эртага юртимизга қарши бошқинчилик ҳужуми бошланса, биз бу балоқазони баргараф этиш учун кимдан, қаердан қармаш ва ҳимоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъийлигига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очиқ чеграсига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни тақрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхтамас, бундай уюшган ваҳидиона кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайди.

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида балоқазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу саволлар табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам халқро терроризмга қарши курашда қатъий билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, ҳавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг қафолатини олишимиз, кўмағига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Ёки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан кўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сийбат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?

Яъни, биз - терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий ҳавфга айланиб бораётган муҳим таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу балоқазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқро терроризм қаршисида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи кимсалар ва уларнинг ортидаги экстремистик марказлардан куч олаётган ҳаракатлар қаршисида ёлғиз бўлиб қолмайми? Ва бундай

пайда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қулоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди. Мана шундай оғир дамларда ким бизга ёрдам берапти? Ёрдам у ёқда турсин, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб атайдиган бошқинчи тўда билан сиёсий «ўйин» қилаётган айрим катта давлатлар ва кучлар пайда бўлганини ҳам кўриб турибмиз. Ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришимиз ўрни эмас, лекин ҳақиқий вазият, ҳақиқий аҳвол шундай.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқро террорчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича музокара олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулоқотлар бўляпти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзолангани йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб бораёмиш. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро қафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари Президентини Буш жаноблари билан телефонда бўлган мулоқотда, муҳофаа вазири жаноб Рамсфелд билан бўлган бугунги суҳбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қуйидагича: 1. Мамлакатимиз ҳаво

худудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш. 2. Ҳар икки мамлакат ҳавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёти ва вертолётлари қўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шартнош яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ердаги ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт - юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз икки-уч муҳим масала бўйича ўз принципал қарашимизни баён этамиз:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

Ўйлайманки, бундай ёндашув давлатимиз манфаатларига ва халқро ҳуқуқ мезонларига мос келади.

МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕР

биргина ғалланинг ўзидан 10 миллион сўм даромад қилди


Марказий Фарғонанинг Мингбулок туманида деҳқончилик қилиб, миллионер бўлаётган фермерлар анчагина. Шулардан бири Хусанбой Яминовдир. Чўлда иш бошлаганига ўн йил тўлди. Ҳалол пешона тери эвазига уйли-жойли, машинали бўлди. Эл олдига дастурхон ёзиб, тўй-томоша қилди.

Яминов янги асрнинг биринчи йилида ҳам ғалладан баракали хирмон кўтарди. У 10 миллион сўмдан зиёд даромад эгаси бўлди. Ерлар бўшаши билан ўрнига тақрорий экинлар экиди. Пахтадан ҳам кўзланган ҳосилни олиш мақсадида астойдил ишлади. Қилинган меҳнатлар зое кетмади. Туманда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддалади. 7 иш куниди

давлатга 46 тонна сифатли саноат хом ашёси етказиб берилди. Ойшахон Алишерова, Нарғиза Омонова, Анорхон Ҳасанова, Муҳаббат Тошқўзиёва ва бошқа теримчилар ёрдамида четдан ҳашарчилар жалб этилмаган ҳолда бор ҳосил саранжомланди. Биринчи терим тугамасданок дастлабки доводдан ошди.

Пахтанинг фақат биринчи навларга сотилиши эвазига қарийб 9 миллион сўм даромад олиш кўтилмоқда. Бу миллионер фермернинг ўзигина эмас, балки ҳўжалик аъзолари ҳам яхшигина даромад қилишмоқда. Хонадонларига ғалла кирган чўлқувлар энди пахта ёғи, кунжара ва шулхага ҳам эга бўлдилар.

Қосимжон АКБАРОВ.



Пайақч туманидаги 24-автотур саройи ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий манфаатдорлигини ошириш, соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, меҳнат ва дам олиш шартношлари кўнгилдагидек ташкил қилинган. Суратда Автотур саройи чилангари Раҳмон Худойқулов. Ф.АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

Иш ҳақини вақтида тўлаш ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим шартларидан бири. Бу амалдаги Меҳнат кодексига белгилаб қўйилган. Иш берувчи ўзининг молиявий аҳолидан қатъий назар ана шу мажбуриятни бажариши шарт. Афсуски, Оқдарё тумани «Агрокимётаъминот» бирлашмаси раҳбарлари бу борадаги ўз бурчларини унутиб қўйган кўринишда.

Ғайрат Уташев мазкур корхонада 1999 йилдан бери ишлади. Лекин иш ҳақи олмади. Бахона йўқ, арзигулик сабаб йўқ — тўланмаган, вассалом! Ўзининг айтишича, Ғ.Уташев маош умидида ўғит омбори жойлашган Фарҳод кўрғонидан тахминан 40 чақирим йўл босиб Оқдарё тумани марказига кўп марта қатнаган. Лекин натижа йўқ.

Тоқати тоқ бўлган ходим виллоят агроасаноат мажмуи ходимлари касабасида умидида қўйиб, Хуқуқшунослар бу борада маъмурият томони-

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

дан қонун талаблари бузилганини аниқлаб, Ғ.Уташевнинг иш ҳақини тўлаш тўғрисида тақдимнома киритишди. Текшириш жараёнида виллоят касабаси уюшма кўмитасига корхона раҳбари С.Даминов имзоси билан йўлланган расмий хатда ва корхона бош ҳисобчиси Ражаб Куроловнинг тушунтириш хатиде Ғ.Уташевга тегишли иш ҳақи 15 кун ичида тўлаб берилиши баён қилинган. Шундан бери ҳам уч ой вақт

Масала кўндаланг қўйилади

ўтди. Ўзгариш йўқ. Бу орада халқ депутатлари Самарқанд виллоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Президент

Корхона раҳбарлари масалани ҳал қилмай мум тўлаб ўтиравергач, касабаси уюшмалари ишни судга оширдди. Иштихон туманида тўланишига эришолмаётган бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятига эътироз билдиришга ҳақлимиз. Касабаси кўмитаси билан бу масала жойида ҳал бўлиши мумкин эди. Гапирверса, гал кўп. Қонун талаби бажарилиши, амалий натижага эришиш, ишловчиға иш ҳақини тўлаб қўйиш ҳаммасидан муҳимроқ. Виллоят «Агрокимётаъминот» бирлашмаси раҳбарлари (раиси И.Турсунов) ўз тасарруфларидаги корхонада вужудга келган мазкур ҳолга Президентимизнинг виллоят кенгаши сессиясидаги танқидий фикрлари нуқтаи назаридан ёндошадилар.

раро фуқаролик ишлари бўйича суди даъвои Ғ.Уташев фойдасига қаноатлангач, шундан ҳам тегишли хулоса чиқаришмади. Бош ҳисобчи Р.Қуролов ўз тушунтириш хатиде Ғ.Уташев ўтган қарийб 2 йил мобайнида бирор марта ҳам иш ҳақини сўраб келмаганини ёздади. Бу ҳеч бир қилишга сизимайдиган баҳона, албатта.

Шу ўринда иш ҳақи вақ-

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ислоҳот мевалари

Майманокнинг таърифи етти иқлимга кетган. Буюк Ипак йўлининг қадимий манзилгоҳларидан бири бўлган бу хушманзара кишлоқ аҳли азалдан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб келади. Атрофни кир-адирлар, тоғларнинг қолдиқлари ўраб турадиган Майманокда етиштирилган бодому қирмизи олмалар, чўл қўшидан нур эмган тоғли мева-чевалар кишлоқ шўхратини янада оширмоқда.

МАЙМАНОҚ КОНСЕРВАЛАРИ

Эрта тонгда ям-яшил полизларни кезиб қовун хидига тўйган кишининг ёдиға «Ёзи ва Зебо» дostonининг шу жойларда вояға етган қаҳармонлари тушади.

Майманоклик Аҳмад Ҳолмуродов она кишлогини эл-юртга машхур қилди. Бу тадбиркор инсон бундан тўрт йил муқаддам хайрли ишга қўл урди.

1997 йилда Касби Матлуботсавдо очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 32 миллион сўм маблағ сарфланиб, йилига 2 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилган кичик завод қурилди.

ри ва томат пастаси ишлаб чиқарилиб, савдо корхоналарига етказиб берилди. Тайёр маҳсулотлар шартнома асосида чет элга ҳам экспорт қилинмоқда. Ҳозирги пайда Россиянинг бир неча шаҳарлари савдо дўконларида «Майманок» ёрлиги билан чиқарилган консерва маҳсулотларини учратиш мумкин.

Техника муҳандислари Садулла Суяров, Аҳмад Муродов, илғор ишчилар Хуррам Пирназарова, Шохиста Турсунова, Марзия Раупова, Соҳиба Маматовалар корхонанинг фахри саналади. Самарали меҳнат туфайли ўтган даврда корхонани қуриш ва жиҳозлаш учун кетган ҳарajatлар қопланиб, 9 миллион сўм соф фойда олинди.

Қарши қўлининг фарбий худудлариде ишга тушган янги завод Касби, Бахористон ва Усмон Юсупов туманлари деҳқонлари учун қулайлик яратди. Улар етиштирган ноз-неъматлари-

олиб туришади. Корхона ҳисобидан 40 нафар меҳнат ногирони моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Туман марказини ободонлаштириш учун 300 минг сўмлик маблағ ажратилди. Фуқаролари ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 3 киши марказий сиҳатгоҳларга, 6 киши эса пойтахт клиникаларига даволаниш учун юборилди.

«Шуҳрат» медали соҳиби Аҳмад Ҳолмуродов ана бир хайрли иш ташвишида юрибди. Голландия билан ҳамкорликда 250 минг шартли банка сабази, олма, нок ва ҳар хил мева шартлатлари тайёрлайдиган янги линия қуриш учун керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон ва Голландия мамлақати тамгалари туширилган маҳсулотлар Майманокдан чиқибди.

И. ИСОМИДИНОВ.

Мулкчилик шакллари ўзгариши касабани уюшмалари зиммасига ҳам масъулиятли вази-фалар юкляди. Касабақўллар меҳнат қонунчи-лиги талаблари асосида ҳодимларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ман-фаатларини муҳофазалашга жиддий аҳамият бермоқда. Мавжуд ширкатлар, фермер ва дек-кон хўжаликлари билан ўзаро манфаатли шарт-номалар тузилган.

Айни пайтда вилоят кўмитаси ҳисобида 12 туман, 463 бошланғич, 476 та цех кўмитаси, 2452 та касабани уюшма гуруҳи ишлаб турибди. Туманлар ва бошланғич ташкилотлар раислари сафи ёш, ташаббускор, ташкилотчи, ижтимоий шерикчилик асосида иш юрота оладиган, истиқ-лол гоғларига содиқ ҳо-димлар ва албатта хотин-қизлар ҳисобидан тўлдирилди.

Касаба уюшма кўми-таси раисларидан 93 на-фари янги сайланган-лар, 38 нафари ўттиз ёшга етмаган ёшлардир. Фаолларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, янги иш усулларини ўрганиш, Олий Мажлис ҳамда республика ҳуқуқати қабул қилган қонун ва қарорларни, мамлақати-миз Конституциясини ўрганиш бўйича ўқув се-минарлари доимий ра-вида ўтказиб келинмоқ-да. Ўқувларда минг на-фарга яқин фаоллар иш-тирок этиб, ташкилотлар ички ишларини такомил-лаштириш, меҳнатқаш-ларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя-лаш вазифаси бўлган жа-моа шартномаларини ба-жариш, меҳнатни муҳо-фаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, молиявий инти-зомни мустақамлаш, ижтимоий сугурта маб-лағларини тўплаш ва ун-дан фойдаланиш каби мавзулар ўрганилмоқ-да. Барча туман кўмитала-рида ҳар ҳафтадан се-шанба кунлари бошлан-ғич ташкилотлар раисла-ри билан амалга оши-рилган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифа-

ИШЧАНЛИК - ЯХШИ КАЙФИЯТ БЕЛГИСИ

лар белгилаб олинган. Ви-лоят кўмитасининг кон-ференциясида ҳозир-гача ўтган раёсат йиғилишларида 110 дан ор-тиқ масала кўриб чи-қилди. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси на-зоратга олинган. Улар-нинг бажарилиши бўй-ича масъул шахсларнинг ҳисоботлари эшитиб бо-рилади. Танқидий фикр-лар, таклиф ва мулоҳа-заларнинг амалиётга та-تبқи этилиши юзаси-дан муаллифларга ахбор-отлар бериб борилади.

Меҳнатқашларга со-ғлом ва хавфсиз иш шар-оитларини яратиш бе-ришда амалдаги қоида ва меъёрларга қатъий амал қилинмоқда. Бу мақсадлар учун ҳар йили 200 миллион сўмлик маб-лағ сарфланапти.

Ташкилотимизга қарашли «Бухоронмаҳ-сулотлари», «Бухоро-нон», «Шоҳруд» ҳисса-дорлик жамиятлари, Гиждун туманидаги «Зарафшон», Вобкент ту-манидаги «Зарафшон» шир-кат хўжаликлари касабани уюшмалари Феде-рация Кенгаши эълон қилган «Энг яхши жамо-ат назорати» кўрик-тан-ловининг голиби бўлди-лар. Амалдаги қондалар-ни бузганликларини учун 16 нафар мансабдор шахс маъмурий ва инти-зомий жавобгарликка тортилди, улардан 3 на-фари вазифасидан озод этилди. Меҳнатни муҳо-фаза қилиш қондалари

Касаба уюшма ҳаёти

талабига жавоб берма-ганлиги учун 18 та цех фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Бироқ, бу соҳадаги ишларда жиддий камчи-

ланишлар ҳам мавжуд. Бу-хоро, Жондор, Когон, Олот ва Шофиркон ту-манларининг айрим хўжаликларида фуқаро-ларнинг меҳнат муҳофа-заси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Техника хав-фсизлиги хоналари зарур кўрғазма қуроллари би-лан жиҳозланмаган, иш-ловчилар иш кийимлари билан тўлиқ таъминлан-маган.

Техширишларда шу нарсани аниқлашди, Бу-хоро туманидаги «Янги турмуш» ширкат хўжали-гида ноғирон О.Қуллие-вага 30 минг, Шофиркон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида касб касаллиги бўйича ноғирон А.Одиловга 150 минг сўм нафақа пули ўз муддатида берилмаётган сабабли, улар оворай сарсон бўлишмоқда.

Нодавлат секторидаги хўжалик ва корхоналар-нинг 452 тасида, вило-ятдаги 2,5 мингдан зиёд фермер хўжаликларида жамоа шартномалари ва келишувлари тузилган. Тизим меҳнатқашларининг иш ҳақидан қар-здорликларини бартараф этиш мақсадида хўжалик ва корхона ишчиларига 753 миллион сўмлик маош ундириб берилди.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан 2810 нафар аёлга туғиш-дан олдин ва туғишдан кейинги кўшимча таъ-тилар берилди. Болала-ри 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 925 нафар аёлга

«СИЗ ЎЗ ВАЗИФАНГИЗДА ИШЛАШИНГИЗ КЕРАК» Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

САВОЛ: 5-сонли «Шодлик» болалар боғча-сида ҳамшира бўлиб иш-лаб юриб 1998 йил 1-февралда ҳомиладорлик таътилида бўлдим ва бо-лам ёшига тўлгандан сўнг ишга қўйдим. Менинг ўрнимга ишга қабул қилинган аёл ҳам 2000 йил 1 январдан ҳомила-дорлик таътилига чиқиб кетди ва боласи 2 ёшга тўлганда ҳамшира бўлиб ишламоқчи. Хўш, ҳамши-ра шатадида ким ишлашга ҳақли, менми ёки менинг ўрнимга ишга қабул қилинган аёлми?

М.Насриддинова, Косонсой тумани.

ЖАВОБ: Аёлларга қонунларда белгиланган

кўшимча кафолат ва им-тиёзлар тўғрисида газе-тамизнинг 2001 йил 28 сентябрдаги сониде ба-тафсил тушунча берган эдик.

Сиз 5-сонли «Шодлик» болалар боғчасига ҳам-шира лавозимига доимий ишга қабул қилинган бўлсангиз керак. Бундай тақдирда сиз билан ту-зилган меҳнат шартнома-си фақат Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат Кодек-сининг 99-моддаси асо-сида бекор қилиниши мумкин, яъни сизнинг аризангиз бунга асос бўла олади.

Меҳнат Кодексининг 237-моддасига асосан ҳомиладорлар ва уч ёшга тўлган боласи бор аёл-

Ҳуқуқий маслаҳатхона

лар билан тузилган меҳ-нат шартномасини иш бе-рувчининг ташаббуси би-лан (МК 100-модда) бе-кор қилинишига йўл қўйилмайди. Агар муасса-са бутунлай тугатиладиган бўлса, юқорида эслатиб ўтилган аёллар фақат бо-шқа иш билан таъминлан-гандан кейингина лавози-мидан озод қилинади.

Ходим-аёл билан му-датли меҳнат шартнома-си тузилган тақдирда, унинг муддати тугаши му-носабати билан аёлни ва-лифасидан озод қилиш даврида у ҳомиладор ёки боласи уч ёшга тўлмаган бўлса, бу аёл ишга жой-лаштирилиши шарт. Ишга жойлаштириш даврида уларнинг иш ҳақи сақла-ниб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кун-дан бошлаб уч ойдан ош-маслиги зарур.

Хулоса қилиб айтганда,

сиз асосий ходим сифа-тида ўз вазифангизда иш-лашингиз керак. Сизнинг ўрнингизга ҳомиладорлик ва боласи икки ёшга тўлганда ишга чиқадиган аёл иш берувчи томони-дан бошқа иш билан таъ-минланиши лозим.

Бундай масалаларни тўғри ҳал қилишда муас-сасида чиқарилган буй-руқлар катта аҳамиятга эгадир. Агар ходим би-лан тузилган меҳнат шарт-номасида унинг муддат-ли эканлиги, бошқа ходим ўрнига ишга қабул қили-наётганлиги кўрсатилган бўлмаса, ўртада низо ке-либ чиқади. Ушбу низога ҳал қилиш учун муассаса-даги меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга ва ту-ман судига ариза билан мурожаат қилишга тўғри келади.

СУВ ЙЎЛЛАРИ ТОЗАЛАНМОҚДА

Тупроқ унумдорлиги-ни ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда сув йўлла-ри - каналлар ва кол-лектор-дренажларнинг тозаланиши катта аҳамият касб этади. Шу боис Амударё туманида бу ишга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳар йили мунтазам равишда 60 километр канал, 25 ки-лометр коллекторлар қазилиб тозаланади.

Тумандаги мавжуд хўжалиқлар 289 ки-лометр сув йўли, 290 километр коллекторлар ана шулар ҳисобига яхши ишлаб турибди. Сув йўллари тоза-лашга 40 дан ортиқ экс-каватор жалб этилган бўлиб, уларнинг серу-нум ишлашида ҳомий ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда.

(ЎЗА).

ЗАМОН ТАДБИРКОРНИКИ

(Боши 1-бетда)

Ташвиқотларимиз на-тижаси ўлароқ кўпчилик тадбиркорлар бизни тўғри тушунишмоқда. Дастлабки қадамлар ўтказган маблаг 11 чакки- мас. Масалан, бошланғич ташкилотлар маҳалларда, бозор-ларда, солиқ кўмитала-рида меҳнат қилаётганлар ўртасида спорт-ни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу мақ-садда Чирчиқдаги ўтга чидамли, қийин эрий-диган металллар комби-натининг мажмуида мини футбол бўйича тадбиркорларнинг рес-публика мусобақасини ўтказдик. Унда Тошкент ҳамда Самарқанд вило-ятлари ҳамда пойтахт шаҳар касабани уюшма кенгашлари жамоалари голиблики қўлга ки-ритдилар. Уларга дип-ломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Биргина Тошкент шаҳрида спорт мусо-бақаларини ўтказиш учун касабани уюшма бюджетидан 600 минг сўмга яқин маблаг сарфланди. Шу билан бирга тармоқ меҳнат-қашлари ҳамда улар-нинг фарзандларини ўлкамизнинг қадимий, бой тарихи билан та-ништириш мақсадида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саё-ҳатлар уюштирилди. Бунинг учун тармоқ меҳнатқашларидан 340 кишига имтиёзли йўлланмалар ажратил-ди.

Ўтган йил давомида жойлардаги 207 та кор-

хонанинг меҳнатқашлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яра-тиш борасида олиб бор-ган ишлари ўрганиб чи-қилиб, аниқланган кам-чиликлар бартараф этилди. Шунингдек, биз давлат тасарруфиде бўлмаган корхона, деҳ-қон ва фермер хўжалик-ларида меҳнат қилаётганлар ўртасида спорт-кулай иш шароитлари яратиш бериш, жойлар-да Меҳнат Кодекси, меҳ-нат муҳофазаси қонунла-ри талабларининг бажа-рилишини ҳам назорат қилиб бормоқдамиз. Яқинда Жиззах ва Анди-жон вилоятларида тад-биркорлар томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қо-нун қандай бажарилаёт-ганлиги ҳақидаги масала раёсат мажлисида кўриб чиқилди ва аниқ-ланган камчиликларни бартараф этиш юзаси-дан чоралар белгиланди.

Республикамиз Пре-зиденти Вазирил Мах-камасининг 2001 йил биринчи ярми ақунла-рига бағишланган йи-ғилишидаги нутқиде гайрат-шижоатли, та-шаббускор, тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини таъмин-лашини ва уларга ҳар бир мутасадди ташки-лот ёрдам бериши зарурлигини уқтириб ўтди. Шундай экан, биз, касабани уюшмалари хо-димлари ҳам Ўртбошим-зи давлатига жавобан фаолиятимиз мезонини замон талаблари дара-жасига кўтаришимиз зарур.

ОМОНАТНИНГ ЯНГИ ТУРИ

«Пахтабанк»нинг Сирдарё вилоятида-ги Фарҳод бўлими аҳоли бўш маблаг-ларини жалб этиш мақсадида бир қан-ча омонат турлари-ни жорий этди.

- Қисқа фурсатда 5 миллион 18 минг сўм омонатларга тушди, - деди банк бўлими бошқарувчиси Сул-тонбек Ирисбеков мухбиримизга. - Бу одамларнинг банкка ишончи ортиб бора-ётганидан дарак бе-ради.

С.Ирисбековнинг айтишича, «Аср со-вғаси», «Оқ олтин», «Пахтакор» сингари омонат турлари қато-ри банк бошқаруви яқинда яна иккита омонат турини жорий этди. Янги очилган «Болалар келажаги-миз» омонатига 40 минг сўм, «Истиқло-линг муборак» жа-мгармасига эса 450 минг сўм пул келиб тушди.

Бу аҳоли нисбатан кам бўлган чўл шароит-ида катта гап. Лекин ҳадемай омонатлар-даги маблаглар уч - тўрт қарра кўпайиши кутилмоқда. Чунки деҳқонларимиз кузги ҳосилларини йиғи-штириб олиб бозорга чиқаришмоқда. Ор-тиқча пуллари ишончли устама олиш учун банкка топшири-шади. Қолаверса, бу-гунгача пахта терими учун 90 миллион сўмдан ортиқ нақд пул тарқатдик. Шу пулнинг бир қисми тагин ўзимизга қай-тиб келса ажабмас. «Туркистон-пресс».



Қизилтепа туманидаги «Хатича» фирмасига қарашли зардуўлик цехида 40 нафар ёшлар меҳнат қилишади. Улар томонидан тайёрлана-ётган миллий зардуўлик намуналарига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Суратда: цехнинг илгор ишчилари таёр-маҳсулот сифатини кўздан кечиряпти. И. ХАСАНОВ олган сурат.

НАМАНГАНДА МЕХР-МУРУВВАТ МАРКАЗИ

(Боши 1-бетда)

Ҳозиргача шундай кексалардан 60 нафари марказимиз қарамонига олинган. Биз уларнинг орасидан тиббиёт кўма-гига муҳтожларни кўздан кечирамиз. Зарурат ту-ғилганда дори-дармон билан таъминлаймиз, овқатлантирамиз. Кечга яқин уларига кузатиб қўямиз.

Муҳими, кексалар диққи-нафас бўлиб уй-ларида зериқиб қолмай-дилар. Марказга келиб янги танишлар орттира-дилар, ўзаро мулоқотда бўладилар, газета-жур-нал ўқийдилар, телеви-зор кўрадилар, ҳордиқ чиқардилар.

- Энди таъминот масаласига тўхталсан-гиз. Сизларни кимлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Чунки, марказ жамоат-чилик асосида ишлай-ди?

- Тўғри савол. Даст-лаб иш бошлаганимизда (марказ шу йилнинг март ойида очилган) шаҳар

ҳокимлиги томонидан бириктириб қўйилган «Наманганур», «Нотўқчи» ҳиссадорлик жа-миятлари, вилоят Киш-лоқ ва сув хўжалиги бо-шқармаси катта ёрдам кўрсатишди. «Силк-Род» Ўзбекистон-Япо-ния қўшма корхонаси, Янги ерларни ўзлашти-риш ва сугориш хўжа-ликларари вилоят бир-лашмаси, «Наманганул-гуржисавдо» ҳиссадор-лик жамияти ва бошқа бир қатор ташкилот ва муассасалар қўллаб-қув-ватладилар.

- Ҳозирги ҳолат-дан, умуман, таъми-нотдан кўнглингиз тўлаптими?

- Очиғи, кейинги пайтларда ҳомийлар бизни андақ унутиброқ қўйишди. Бунинг натижа-сида қарамонимизга олинганларни зарур дори-дармонлар билан таъминлашда бироз қий-наляпмиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Сариосиёликлар асл миришкор сифатида танилишган. Ёшу қари мўл, арзон ва сифат-ли пахта ҳосили етиштиришнинг ҳадисини ол-ган. Шу боис, ҳар йили оқ олтиндан барақали хирмон яратилмоқда. Айни кунларда серфайз далаларда иш қизгин. Теримчилар дақиқа-лар қадрига етиб ишлаб, бебаҳо бойликнинг бир мисқолини ҳам нест-нобул қилмай, йи-ғиштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган қимматли хом ашё пеш-ма-пеш «Пахта» очик турдаги ҳиссадорлик жа-миятига етказилмоқда. Корхона ишчи-хизматчи-лари ишни смена асо-сида ташкил этиб, пах-тани қайта ишламоқда-лар. Юқори сифатли то-лаларнинг ақсарияти хо-рижга экспорт қилинади.

Биз ҳиссадорлик жа-миятига етиб органи-мизда, эрталаб соат тўққиз ярим эди. Бош ҳисобчи Ўткир Холми-раев ҳали раҳбарлар ке-лишмаганлигини таъкид-лади. Улар келгунча кор-хонада иш қандай таш-кил этилганлигини им-кон қадар ўргандик. Не-гадир одамларнинг кай-фияти йақ. Саволари-мизга жавоб олишга қийналардик. Кейин билсак, бу ерда моддий манфаатдорликнинг ма-

заси қочибди. Ишловчи вақтида маош олмагач, кайфият ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Қар-ханг, корхонада ишчи-хизматчиларнинг 10 миллион 500 минг

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

сўмлик иш ҳақи ханузга-ча тарқатилмабди. Боз устига, корхона касабани уюшма кўмитаси ҳисоби-га ўтказилиши лозим бўлган фойзли ижтимоий сугурта мажбурий ўллови ҳамда бир фойз-ли аъзолик бадалидан қарздор экан.

Бозор шароити раҳ-бардан омилкор, изла-нувчан, қатъиятли, та-шаббускор бўлиши та-лаб этади. Имкониятлар-дан унумли фойдала-

Мухбир нуқтаи назари

ниш, иқтисодиётни юк-салтиришга хизмат қиладиган ички оми-ларнинг ишга солиш жуда муҳим. Мазкур корхона-да эса эскича иш услу-би исқанжасидан ҳамон халос бўлинмаган кўри-нади. Ким билан сўхба-лашманг, «маблаг йўқли-ги сабабли...» деган ба-хонани рўқач қилади.

Корхона касабани уюш-ма кўмитаси ишловчилар

кўзда тутилган. Бизга тақдим этилган жамоа шартномасида эса унинг неча кундан иборат эканлиги негадир белги-ланмаган. Режалашти-рилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш юзасидан тузил-ган комиссия ҳам но-мига ишламоқда.

Ҳисобчилар билан ра-қамларни таҳлил қилаёт-ганимизда, корхона раҳ-бари М.Расулов кириб келди. Саломга алик ҳам олмай, ишчиларга та-набҳ бера кетди. Қайта-қайта илтимос қилиши-мизга қарамай, биз - журналистлар билан му-лоқот қилишни хохлама-ди... Ҳаммаси тушунар-ли эди. Бошлиқ нимани ҳам гапириши мумкин? Ишлар ўлда-жўлда, жа-моадаги муҳит ҳам кўнгилдагидек эмас. Би-роқ, корхона раҳбари лоқал ишчи-хизматчи-ларнинг: «маошдан қар-здорлик қачон тугатила-ди» деган саволига ой-динлик киритганида ёмон бўлмасди.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири.

КАСАБА УЮШМА ЙЎЛЛАНМАСИ

Навой тоғ-кон металлургия ком-бинати касабани уюшмаси «Метал-лург» сихатгоҳига 3 миллион сўм маблаг ажратди.

- Бу пул турли дори-дармонлар, асбоб-ускуналар со-ти олишга сарфла-нади, - деди бош ҳақим Олег Тюрков «Туркистон-пресс» мухбирига. - Бу ерда ҳар йили ка-саба уюшмалар йўлланмаси билан икки минг 800 киши ҳордиқ чиқаряпти. Биз ҳар бир киши-нинг мазмунли дам олишига алоҳида эътибор бераёламиз.

Бош ҳақимнинг айтишича, бу йил сихатгоҳ ташкил этилганига ўттиз йил тўлади. Бу са-нага жамоа катта тайёргарлик кўриб, ободончилик ишла-рини олиб бораёпти.

Юрт доврўғини таратаётганлар

«Энг улўғ, энг азиз» кўрик-танлови бўйича Наманган вилояти ўлкашунослик музейи залларида қатор мўйқалам усталари асарлари намойиш этилаётганди. Томошабинлар «Хайдарали Усмон» имзоси қўйилган полотнолар олдида узок тўхталиб қолишар, гўёки санъат асарлари уларни мулоҳазага чорларди. Она юрт, гўзал табиатимизнинг ҳаммаи бирдек илғайвермайдиган бетакрор жозибалари, замондошларимизнинг ички дунёси, оний кечинмалари акс эттирилган портретлар...

СЕҲРЛИ МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ

Иктидорли рассом вилоят миқёсида ушбу турдаги кўрик-танлов голиби, деб топилиб республика босқичида ҳам совриндорлар қаторидан жой олди. Шу кўргазма баҳона Ҳ.Усмонов билан танишиш, бевосита мулоқотда бўлиш истаги туғилди. Мана, ниҳоят унинг камтарона, аммо сўлимгина ҳовлисидамиз. — Афсуски, энг сўнги ишларимни сизларга кўрсата олмайман, узр, — дейди рассом. — Хаммаси Тошкентда. Эрта-индин Риғага, шахсий кўргазма очгани жўнаб кетаяман. Барибир, сеҳрли мўйқалам соҳибининг ижодхонасидаги асарлар, хатто эскизлар, туғалланмаган суратларнинг ўзи ҳам кишида илиқ таассурот қолдиради. «Говосой манзараси», «Наһай манзараси», «Автопортрет» каби асарлар ҳар бир чизги, детал, нур ва соялар, ранглар уйғунлиги, ҳаққонийлиги, табиатан қандай бўлса, шундайлиги таъсирланганлиги билан кишини лол этади. Энг муҳими, мусавирнинг ҳар бир асарида тасвирланган ҳолат, инсон билан табиат

ўртасида учраб турадиган баъзи номутаносибликларни «йўқотиб» юборишдек мохирлик, ёқимли куй янглиғ ошўфторлик сизни бефарқ қолдирмайди. Моҳир рассомнинг асарлари заминидан «Ватан» деган ҳайқирқни эшитгандек бўласиз ёки бошқачасига ифодалаганда, бу юракдан севилган кўёшли Ўзбекистон, ватанпарварлик сукунати эканлигини англагандек бўласиз. Россия, АҚШ, Франция, Германия, Швейцария, Италия, Малайзия, Туркия, Марокаш, Латвия... Яна қанча давлатларда акс-садо бермади дейсиз бу сукунат!... 1991 йилда Туркияга ташриф буюрган бир сайёҳ Ҳ.Усмоновнинг «Кушонда тонг» деб номланган асарини анчагина баланд нарҳда сотиб олди. Шу асар Камол Отатурк Давлат санъат музейига ташриф этган санъат шинавдаларида катта таассурот қолдирди. Шу тариха ҳамюртимиз истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ ўта муҳим аҳамият касб этган Ўзбекистонни жаҳонга танитишдек шарафли вазифага муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Урду ҳамда Геросин шаҳарларидаги, шунингдек, «А.Студия» ва «Лара» санъат галереяларида ташкил қилинган халқаро, шахсий кўргазмаларда унинг ижоди юксак баҳоланди. Охир-оқибат бугунги кунда рассомнинг 270 дан зиёд асарлари юқорида тилга олиб ўтилган давлат музейлари ҳамда шахсий коллекционерлар «ҳазиналари»дан муносиб ўрин олди. Ҳамюртимизнинг 1997 йили Анқарада ўтказилган 3-Халқаро кўргазмада 36 мамлакат рангтавсирчилари орасида биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳам бежиз эмас. Анқарада чиқадиган «Пойтахт тонги» газетасида Хайдарали Усмонов тўғрисидаги мақоланинг мусавирнинг рангли сурати билан эълон қилиниши, Туркия телевидениеси томонидан унинг ижодига бағишланган бир эмас, учта кўрсатув намойиш этилганлиги ҳам таҳсинга сазовор. Ҳа, Хайдарали Усмонов каби ўзини тарбиялаб ўстирган эли, киндик қони тўкилган юрти доврўғини дунёга ёяётганлар билан ҳар қанча гурурлансак арзийди. **Акрамжон УСМОНОВ.**

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

НАВОИЙШУНОСЛАР ТАДҚИҚОТИ

Алишер Навоий номидаги Адабиёт мутеақиллари томонидан буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари-нинг асарлари бўйича яратилган илмий тадқиқотларнинг уч жилдлиги нашрга тайёрланди.

Китобнинг биринчи жилдидан шоир «Хамса»-сидаги бешта достоннинг илмий таҳлили ўрин олган. Иккинчи жилдга «Лисон-ут-тайр» достони ва «Хамса»даги сарлавҳалар тўғрисида кейинги йилларда амалга оширилган илмий изланишлар киритилган. Учинчи жилдга эса шоирнинг ҳаёти ва ижоди-

насрий ижодининг бир кўриниши сифатида ҳам қараш мумкин. Шунингдек, китобга мутафаккирнинг мукамал тадқиқ этилмаган асарлари ҳақидаги мақолалар киритилган. «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки аҷам», «Вақфия», «Муноҷот», «Насойим-ул-муҳаббат» асарларидан айрим лавҳалар, «Сирож-ул-муслимин» асарининг яратилиши тўғрисидаги таҳлиллар шулар жумласидандир. **Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.**



Гул шайдоси

Касби ўз номига муносиб — қосибу хунармандлар гўшаси. Тандинсоз Бозор Итолмасов ҳам ана шундайлардан бири. Унинг ясаган тандинлари-ю катта-кичиқ кўза-хумлари нафақат Касби, балки Қашқадарё воҳасида ҳам машҳур. Устанинг энг яқин кўмакчилари — фарзандлари. «Уларга мендан қоладиган мерос — шу хунарим», дейди тандирсоз.

Суратда: Бозор уста кизи Гуландом ясаган кўзани кўздан кечираттир. **Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

Дилдан суҳбат

Ривоят қилишларича Аллоҳ инсонни лой ва гилдан офарида қилди ва жонни қошига чорлаб, дедики: «Эй жон, бунинг танасига киргил». Жон эътироз қилиб айтди: «Ё Парвардигоро, ман бир хушсурут ҳилқат бўлсам, бу лою-гил вужудга нечук кирарман». Шунда Аллоҳ иноятни билан бир куй замзама бўлди. Бу куй шунчалик фараҳбахш эдики, ундан маст бўлган жон одам вужудига қандай кириб кетганини ҳам сезмай қолди. Шунданми инсон қалби куйга ошўфта.

Шунга айтсалар керак-да, санъат миллат танламайди деб. — Ҳар бир хонанданинг ўзи севиб ижро этадиган кўшиги бўлади... — Биласизми, кўшиқ ҳам инсоннинг фарзанди кабидир. Уларнинг бирини яхши, бошқасини ёмон деб бўлмайди. Биз ижрочиларимиз, баҳони эса

ТАЪНА ГАП (ҳажвия)

Бир кун газета навбатчилигидан ҳориб-чарчаб келсам, ўғлим Абдулла уй вазиқларини тайёрлаб ўтирган экан. Бошқа фанларга тишим ўтмаганлигидан она тилидан бугун қайси мавзуну ўтишганини суриштирдим. — Гап деган мавзуну ўтдик, — деди истар-истамас ўғлим. Мен ҳам ўша оҳангда савол бердим: — Қани айт-чи, «Абдулла ишламасдан нон ейди.» Бу қанақа гап? Бироз ўйлиниб тургач, у жавоб берди: — Дада, бу — таъна гап! **К. МИНГБОЕВ.**

Жавоҳирлар сандигидан

ОТАЛИК ШАРТИ

Эй фарзанд, агар сен бола кўрсанг, унга яхши от қўйгил, чунки отадан фарзанд ҳақларидан бири яхши от қўйишдир. Яна бири шуки, фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топширгайсан... Каттароқ бўлгандан сўнг, раият бўлсанг, хунар ва касб ўргатгайсан... Оталик шартини бажо келтиргилки, фарзандинг вужудга келгандагидек ҳаёт кечирсин, яъни ҳар одам вужудга келган кунидан бошлаб хулқи, одати унга ҳамроҳ бўлади, аммо кучсизлигидан, юмшоқлигидан ва заифлигидан уни намоеъ қила олмайди. Катта бўлган сари жисми ва руҳи қувват топади, ҳамма феъл-атвори намоеъ бўлади, камолга етгандан сўнг, ҳамма яхшилик ва ёмонлигини зоҳир қилади. Сен эса адаб, хунар ва билимни унга ўзингдан мерос қилиб қолдиргил, токи унинг ҳаққини бажо келтирган бўласан. Чунки фарзандга хунар ва касбдан яхшироқ мерос йўқдир. Хунар кунлардан бир кун ишга ярағувидир.

КАСБИ — ХУНАРМАНДЛАР ГЎШАСИ



МДХ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИГА КИМ БОРАДИ?

2002 йилнинг 19-27 январ кунлари Москвада футбол бўйича МДХ чемпионлари кубоги беллашувлари бўлиб ўтади. Турнир ташкилотчилари ўинчи маротаба ўтказиладиган ушбу мусобақани олий ва биринчи лигага ажратиш тизимидан воз кечадиган бўлди. Энди ўз мамлакатда миллий биринчилик олтин медалларини қўлга киритган жамоалар МДХ чемпионлари кубоги учун тўрт гуруҳга бўлиниб курашади. Ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи погонани эгаллаган жамоалар чорак финалга йўланма олади. Мусобақа голиби 27 январ кун и финал учрашувида аниқланади. Куръа натижасига кўра, Ўзбекистон чемпиони «А» гуруҳида Россия, Молдова ва Арманистон чемпионларига қарши майдонга чиқади. Бу мусобақада юртимиз шарафини Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси ҳимоя қилиши кутилмоқда.

Мутахассислар башорати

Маълумингизки, Ўзбекистон терма жамоаси шу кунларда уммонлик футболчилар билан баҳса киришиш учун сўнги тайёргарлик машғулотларини ўтказмоқдалар. Жамоамиз олдида ниҳоятда мураккаб — қандай қилиб бўлмасин ушбу учрашувда ғалаба қозониш вазифаси турибди. Бунинг учун имкониятлар етарли, фақат ундан жойида ва самарали фойдаланиш лозим. Кун и кеча эса Ўзбекистон терма жамоасини гуруҳда ҳеч бўлмаганда иккинчи ўринни эгаллаши учун яна бир қулайлик яратилди. Уни бизга Бирлашган араб амирликлари тўхфа этишди. Жуда кўпчилик футбол экспертларининг башоратларига зид равишда меҳмонда тўп суришларига қара-

Table with 7 columns: Жамоалар, ў, ю, д, м, т, н, о. Rows: 1. Хитой, 2. БАА, 3. Қатар, 4. Ўзбекистон, 5. Уммон.

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Фарғонада камондан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон Кубоги турнири ўз ниҳоясига етди. Унда иштирок этган спортчилар -голиблар ва совриндорлар спорт устаси нормативини бажаришди. Эраклар ўртасида Элдор Сайфулинга биринчи, Элдор Юсуповга иккинчи, Амет Умаровга учинчи ўрин насиб этган бўлса, аёллар ўртасида Лариса Завзина биринчи, Амалия Уманова иккинчи ва Роза Назирова учинчи ўринни эгаллади. (ЎЗА).

НИМ ТАБАССУМ

Пиониначи қиз скрипкачи томон аста энгашиб шивирлади: — Эсингизни еб қўйибсиз! Йигирма тўрт такт илгарилар кетдингиз! Скрипкачи эътироз билдириб ўтирмади. Фақат деди: — Узингизни босинг, ҳеч кимга чурқ этманг. Мен повздагача қолмаслик учун шошяпман холос. *** — Лев Толстойни қандай ёмон кўришимни билсанг эди! «Уруш ва тинчлик» романини қара, нақ тўрт жилдан иборат-а... — Нима, ҳаммасини ўқиб чиқдингми? — Э, бунга вақт қаёқда!... *** Икки киши суҳбатлашаётди: — Соҳибжамол котибанг ҳали ҳам ишлаяптими? — Афсус, бўшапти. — Ҳа, нима бўлди? — Хонамага тўсатдан кириб, хотинимдан бўса олаётганим устидан чиқиб қолса бўладими!... *** Опера кўшиқчиси мақтанди: — Менинг томоғим — менинг бойлигим. Ичкиликбоз бўш келмади: — Меники ҳам.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўливлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 01.00

Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.